

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**210 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти-  
даги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган мод-  
дий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом-  
ни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарорини бажариш ҳамда Оролбўйи минтақасида яшайдиган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бир марта бериладиган моддий ёрдам олган кам таъминланган оилалар ушбу моддий ёрдамни олиш учун уларга бир йўла моддий ёрдам тўлангандан кейин бир йил ўтгандан сўнг қайта мурожаат этишлари мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган ёрдам шаклида янги турдаги ижтимоий нафақанинг мақсади ва тайинланиши тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 30 март,  
165-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 30 мартдаги 165-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида  
мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни  
тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январда ПҚ–2731-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мухтож оилаларга, биринчи навбатда, ёлғиз фуқаролар, пенсионерларга, боқувчиси ногирон бўлган оилаларга ҳамда бошқа кам таъминланган аҳоли тоифаларига ва оилаларга (кейинги ўринларда мухтож оилалар деб аталади) ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бир марта бериладиган моддий ёрдамни (кейинги ўринларда бир марта бериладиган моддий ёрдам деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор Фуқаролар йиғинини ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

3. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам йил бошида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача сўм миқдорида тайинланади ва тўланади.

Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашнинг аниқ миқдори мухтож оила тушган ҳаётий вазиятнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда, алоҳида ҳар бир ҳолат бўйича Комиссия томонидан белгиланади.

4. Комиссия мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилиши керак:

ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш;

бир марта бериладиган моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан уни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;

бир марта бериладиган моддий ёрдамни, биринчи навбатда, мавжуд ҳаётий вазиятнинг мураккаблигини мустақил ҳал қила олмайдиган, ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга тайинлаш.

5. Қуйидагилар бир марта бериладиган моддий ёрдам тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва Хоразм вилоятининг вилоят бюджети маблағлари;

ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат Халқ банки бўлинмалари (филиаллари)даги (кейинги ўринларда Халқ банки деб аталади) махсус банк ҳисоб рақамларида тўпланадиган бюджетдан ташқари манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ва бошқаларнинг хайрия эҳсонлари).

## **2-боб. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш шартлари**

6. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётий мураккаб вазиятга тушган оилалар (фуқаролар) тоифаларига, биринчи навбатда, қуйидагиларга Комиссия қарори билан тайинланади:

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз фуқаролар ва пенсионерларга (ишга лаёқатсизларга ва ишга лаёқатли оила аъзолари бўлмаганларга), боқувчиси ногирон бўлган оилалар ва бошқа кам таъминланган аҳоли тоифаларига ва оилаларга;

I гуруҳ ногирони бўлган ёки оғир касалга чалинган (бутунлай ёки қисман ўз-ўзини боқиш имконига эга бўлмаган, иш фаолиятини олиб бора олмайдиган) фуқароларга;

ўлим оқибатида ягона боқувчисини йўқотган оилаларга (уч ой муддат мобайнида);

ногирон бола ёки I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ёки молиявий харажатларни талаб этадиган жарроҳлик аралашуви ёки узоқ вақт (беш ойдан кўпроқ) амбулаторияда даволаниши зарур бўлган оғир касалликка чалинган бошқа оила аъзосига қараб турган тўлиқ бўлмаган оиланинг ота-оналарига (оила аъзосига);

ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки иккала ота-она ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган икки нафар ва ундан кўп фарзандли тўлиқ оилаларга.

8. Мураккаб ҳаётий вазият деганда қуйидагилар тушунилади:

ишга лаёқатлилигини йўқотишга олиб келган оғир касалликлар (I гуруҳ ногирони) ёки узоқ (беш ойдан кўпроқ) вақт дори воситалари қўллашни ёхуд жарроҳлик аралашувини талаб этадиган касалликлар;

турмуш ўртоғи, ота-онанинг (боқувчининг) ўлими;

табiiй офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етиши.

Пайдо бўлган мураккаб ҳаётий вазиятни мустақил ҳал этишга имкон берадиган моддий (мулк) имкониятнинг (даромаднинг) йўқлиги муҳтож оила-

ларга бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинланиши ва берилишининг шарти ҳисобланади.

9. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам мурожаат этувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Муҳтож оилаларнинг бир марта бериладиган моддий ёрдам олиш тўғрисидаги қайта мурожаатлари мазкур Низомда белгиланган тартибда, олдинги бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинланган ойдан камида бир йил ўтгандан сўнг кўриб чиқилади.

### **3-боб. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби**

10. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам мурожаат этувчининг доимий турар жойи (пропискаси) бўйича, муҳтож оила аъзосининг ёзма аризаси асосида Комиссия томонидан тайинланади.

11. Бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги ариза (кейинги ўринларда ариза деб аталади) муҳтож оила аъзоси ёки муҳтож оиланинг ваколатли вакили (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ Комиссия раиси номига топширилади.

Аризага ариза берувчи паспортининг нусхаси, муҳтож оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумот ва муҳтож оилада мураккаб вазият юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (ногиронликни тасдиқловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссияси протоколининг кўчирмаси, ўлим ҳақидаги гувоҳнома, оғир касаллик оқибатида ишга лаёқатсизликни тасдиқловчи тиббий хулоса, фавқулодда вазият (ҳолат)да енгилмас куч пайдо бўлганлиги ҳақида тегишли органларнинг хулосалари) илова қилинади.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра аризага ҳақиқатдан ҳам муҳтож оилага бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинланиши зарурлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Ариза берувчидан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш фуқаролар йиғинининг масъул котиби томонидан махсус рўйхатдан ўтказиш журналида амалга оширилади, журналга аризанинг келиб тушиш санаси, мурожаат этувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, мураккаб ҳаётий вазиятининг қисқача баёни ва Комиссия томонидан қарор қабул қилингандан сўнг қарор ҳақидаги маълумотлар ва протоколнинг санаси ва рақами киритилади.

Ариза ва мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган сана ҳисобланади.

### **4-боб. Аризани кўриб чиқиш тартиби**

13. Муҳтожликни аниқлаш ва бир марта бериладиган моддий ёрдамни

белгилаш (рад этиш) тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан қабул қилинади.

Зарурият туғилганда, муҳтож оиладаги мураккаб ҳаётӣ вазият мавжудлиги фактини аниқлаштириш учун Комиссия томонидан муҳтож оиланинг қўшнилари жалб этилиши мумкин.

14. Ариза топширилган кунидан бошлаб тўрт календарь куни мобайнида Комиссия томонидан кўриб чиқилади. Кўрсатилган муддат мобайнида Комиссия:

ариза берувчининг мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган тоифаларга мувофиқлигини кўриб чиқади;

ариза берувчининг яшаш жойига борган ҳолда муҳтож оилада бир марта бериладиган моддий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи мураккаб ҳаётӣ вазиятнинг мавжудлигини аниқлаш учун текшириш ўтказади.

15. Муҳтож оиланинг бирга яшовчи аъзоларининг таркиби Комиссия томонидан аниқланади.

16. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва муҳтож оилада мураккаб ҳаётӣ вазият мавжудлигини текшириш натижаларига кўра Комиссия ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ муҳтож оилада мураккаб ҳаётӣ вазият мавжудлигини тасдиқловчи далолатнома тузади.

Далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

текшириладиган муҳтож оиланинг таркиби (ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган тоифалардан бирини ҳамда ишга лаёқатли оила аъзоларининг бандлиги ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда);

юзага келган мураккаб ҳаётӣ вазиятнинг қисқача баёни (ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган тоифалардан);

текширилган оиланинг (фуқаронинг) моддий фаровонлиги даражасини баҳолашнинг визуал натижаси (муҳтож оилада мавжуд мураккаб ҳаётӣ вазиятни ҳал эта олиш имкони бор (йўқ)лигини кўрсатиш);

текширув яқунлари бўйича тавсиялар.

17. Комиссия қуйидаги ҳолатларда муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам беришни рад этиши мумкин:

ариза берувчининг ушбу Низомнинг 7-бандида санаб ўтилган муҳтож оилалар тоифаларига кирмаслиги;

муҳтож оилада ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган мураккаб ҳаётӣ вазиятнинг мавжуд эмаслиги;

муҳтож оилада мавжуд мураккаб ҳаётӣ вазиятни ҳал этишга имкон берадиган моддий имконият (даромад) борлиги.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳолатларда муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Муҳтож оилада мураккаб ҳаётӣ вазият мавжудлигини текшириш натижаларига кўра Комиссия бир марта бериладиган моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантиради.

Комиссия аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ўзининг ҳулосаси асосида бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш, шу-

нингдек унинг миқдорини белгилаш ёки мухтож оиллага бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашни рад этиш бўйича қарор қабул қилади.

**5-боб. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш**

19. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар Комиссиянинг кўпчилик аъзолари унинг учун овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади.

20. Комиссия қарори ҳар бир ариза берувчи бўйича, ариза берувчи ёки унинг оила аъзолари иштирокида қабул қилинади. Агар ариза берувчи ёки мухтож оила бошқа оила аъзоларининг соғлиғи ҳолатига кўра қатнаша олиш имкони бўлмаса, Комиссия ариза берувчининг ёки мухтож оила бошқа аъзоларининг иштирокисиз қарор қабул қилиши мумкин.

21. Қарор Комиссия мажлиси протоколи билан, қуйидагиларни кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади:

ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

очиқ овоз бериш натижалари;

мухтож оиллага тайинланган бир марта бериладиган моддий ёрдамнинг миқдори;

тўлов ойи;

қарор қабул қилинган сана.

Бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш рад этилган тақдирда ёзма хабарномада рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ариза берувчига бу ҳақда маълум қилинади ва у тўғрида протоколга ёзиб қўйилади.

22. Протокол Комиссия раиси томонидан имзоланади ва ариза берувчига икки кун муддатда маълум қилинади.

**6-боб. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш**

23. Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам Комиссия мажлисининг қарори протоколи асосида тўланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул котиби ҳар ойда ойнинг охириг кунидан кечикмасдан, Комиссиянинг мажлиси қарори протоколлари асосида олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти рақами, шунингдек тўланиши керак бўлган суммани кўрсатган ҳолда бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш учун уч нусхада ведомостлар тузади. Ведомостлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг имзоси ва муҳри, шунингдек ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлими (кейинги ўринларда молия бўлими деб аталади) ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

24. Белгиланган тартибда тўлдирилган ва тасдиқланган ведомостлар бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинланган ойнинг 5-қунигача бўлган муддатда молия бўлимларига юборилади.

Тақдим этилган ведомостлар, барча уч нусханинг ҳар бир варағига тасдиқловчи имзолар ва тегишли штамп қўйилган ҳолда, молия бўлимининг масъул ходими томонидан арифметик хатолар ва бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлашга бюджет маблағларининг мавжудлиги юзасидан текширилади.

25. Бир марта бериладиган моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Комиссиянинг қарорига таъсир кўрсатган нотўғри ва ишончсиз маълумотлар аниқланганда, шунингдек қонун нормаларини бузган ҳолда муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш қайд этилган ҳолатларда асоссиз тўланган маблағлар айбдор шахс томонидан ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли махсус банк ҳисоб рақамига қайтарилади, кейинчалик улар Ягона ғазначилик ҳисоб рақамига ўтказилади.

**7-боб. Туманлар ва шаҳарлар бюджети маблағларидан  
бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш  
харажатларини молиялаштириш тартиби**

26. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш харажатларини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетиди ва Хоразм вилоятининг вилоят бюджетиди муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам пулларини тўлаш учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида, шунингдек ушбу Низомнинг 5-бандида санаб ўтилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни молиялаштириш молия бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган тегишли бюджетнинг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамидан муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни молиялаштириш учун Халқ банки бўлинмаларида (филиалларида) очилган махсус ҳисоб рақамларига тўлов амалга ошириладиган ойнинг 5-қунидан бошлаб, бироқ тўлов ойнинг 25-қунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.

Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) ҳар ойда жорий ойнинг охирига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва молия бўлимларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тегишли махсус банк ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар, шу жумладан, жорий ой учун ва йил бошидан буён тушган тушумлар ва амалга оширилган харажатлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

27. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тегишли бюджетдан молиялаштириш учун молия бўлимлари томонидан ғазначилик бўлинмаларига бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаб бериш учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш бўйича ушбу Низомнинг



4-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада буюртманомалар (кейинги ўринларда буюртманома деб аталади) ва тўлов топшириқномалари тақдим этилади.

28. Ҳазначилик бўлинмалари буюртманомаларни рўйхатдан ўтказди ва тўлов топшириқномаларига асосан ягона ҳазначилик ҳисоб рақамидаги маблағларни тегишли ҳазначилик ҳисоб рақамида операцияларни акс эттирган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус банк ҳисоб рақамларига ўтказди.

Маблағлар ўтказилгандан сўнг буюртманоманинг бир нусхаси ҳазначилик бўлинмалари томонидан молия бўлимларига қайтарилади.

29. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам бўйича ведомостнинг бир нусхаси молия бўлимида қолади. Маблағлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилгандан кейин тасдиқланган ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхалари молия органи томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органига тақдим этилади.

30. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маблағлар уларнинг ҳисоб рақамларига тушгандан кейин ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхаларини тўлов топшириқномалари билан бирга, муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш учун Халқ банкнинг хизмат кўрсатувчи бўлинмаларига (филиалларига) тақдим этишади.

31. Ведомостлар ойнинг охиригача иш кунида ёпилади, тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам муҳтож оиланинг номига очилган махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади ва унинг биринчи талабига биноан тўланади. Ёпилган ведомостнинг учинчи нусхаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади. Тўлов бир марта бериладиган моддий ёрдам олувчи муҳтож оиланинг доимий яшаш жойидаги Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) томонидан амалга оширилади.

32. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам учун назарда тутилган бюджет маблағларини туманлар (шаҳарлар) ўртасида тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси томонидан ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшовчи оилаларнинг муҳтожлигидан, ушбу муҳтож оилаларнинг таркиби ва олдинги даврларда ажратилган маблағларнинг ўзлаштириш (фойдаланиш) даражасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

33. Назарда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимлаш туман (шаҳар) молия бўлими томонидан эҳтиёжманд оилалар сонини ҳисобга олган ҳолда, молиялаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилади.

34. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар ойда ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича, муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади ҳамда у ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача бўлган муддатда молия бўлимларига тақдим этилади.

35. Молия бўлимлари ҳисобот ойдан кейинги жорий ойнинг 15-куни-



гача ҳисоботларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бошқармасига тақдим этадилар, улар ойнинг 20-кунигача ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар.

36. Бир йил мобайнида олувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган бир марта бериладиган моддий ёрдам маблағлари кейинчалик Ягона газначилик ҳисоб рақамига ўтказиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоб рақамларида тикланиши керак.

### 8-боб. Якунловчи қоидалар

37. Ажратиладиган бюджет маблағларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини режали текширувлари давомида амалга оширилади.

38. Бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашнинг асосланганлигини назорат қилиш молия бўлими ходими томонидан амалга оширилади.

39. Шахсий жавобгарлик:

муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш учун бюджет маблағларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус банк ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши юзасидан — туман (шаҳар) молия бўлими раҳбари зиммасига;


фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби бажарилишини таъминлаш ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги юзасидан — Комиссия раиси зиммасига;

муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартибига риоя этилиши назоратини таъминлаш юзасидан — туман (шаҳар) молия бўлими ходими зиммасига;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи махсус ҳисоб рақамларидан маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш юзасидан — Халқ банкнинг туман (шаҳар) бўлинмаси (филиали) раҳбари зиммасига юкланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий  
ёрдамни тайинлаш ва тўлаш  
СХЕМАСИ**



\* Бир марталик моддий ёрдамни олган мухтож оилалар уларга моддий ёрдам тўлангандан кейин бир йил ўтгандан сўнг бир марталик моддий ёрдамни олиш учун такроран мурожаат қилиши мумкин.

**13 (773)-сон**

**— 149 —**

**210-модда**

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм  
вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта  
бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**2-ИЛОВА**

Комиссия раисига

\_\_\_\_\_ (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номи)

\_\_\_\_\_ туман

\_\_\_\_\_ вилоят

\_\_\_\_\_ манзилда яшовчи

\_\_\_\_\_ дан

(аризачининг Ф.И.О.)

**Бир марта бериладиган моддий ёрдамни  
тайинлаш тўғрисида  
АРИЗА**

Сиздан оиламга (менга) бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайин-  
лаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишингизни сўрайман.

Менинг оилам (мен) бир марта бериладиган моддий ёрдамга қуйидаги  
сабабга кўра муҳтож(ман): \_\_\_\_\_

(мурожаат сабаби кўрсатилади)

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

Зарур ҳужжатлар нусхаси (санаб ўтилади):

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Мурожаат қилувчининг имзоси: \_\_\_\_\_

Сана: 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Аризани рўйхатдан ўтказдим

\_\_\_\_\_ (аризани қабул қилиб олганнинг Ф.И.О.)

Сана: 20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ -сон

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм  
вилоятидаги мухтож оилаларга бир марта  
бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Мухтож оилада мураккаб ҳаётий вазият  
мавжудлигини тасдиқловчи  
ДАЛОЛАТНОМА**

(комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ тарки-  
бидаги Комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сон қарори билан тасдиқланган амалдаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»га (кейинги ўринларда Низом деб аталади) асосан \_\_\_\_\_ манзилда яшовчи  
\_\_\_\_\_ оила (фуқаро) \_\_\_\_\_нинг  
(аризачининг Ф.И.О.)

мураккаб ҳаётий вазиятининг мавжудлиги юзасидан текширув ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди:

1. Фуқаро \_\_\_\_\_ нинг оиласи \_\_\_\_ нафардан иборат, шундан:

— 14 ёшгача бўлган болалар — \_\_\_\_ нафар, улардан \_\_\_\_ нафари ногирон;

— 14 ёшдан катта болалар — \_\_\_\_ нафар, улардан \_\_\_\_ нафари ногирон;

— оиланинг меҳнатга лаёқатли, балоғатга етган аъзолари — \_\_\_\_ нафар, улардан:

— \_\_\_\_ нафари иш билан банд;

— доимий иш жойига эга бўлмаганлар \_\_\_\_ нафар;

— ишсиз деб рўйхатга олинганлар \_\_\_\_ нафар;

— пенсионерлар — \_\_\_\_ нафар, улардан \_\_\_\_ нафари I ва II гуруҳ ногирони.

Оила(фуқаро) қуйидаги тоифага киради:

(Низомнинг 7-бандидаги тоифаларнинг бирини кўрсатиш лозим)

2. Низомнинг 8-бандида белгиланган оғир вазият мавжуд (ёки мавжуд эмас).

(вазиятнинг қисқача баёни)

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

3. Қўшимча маълумот: \_\_\_\_\_

4. Оиланинг моддий таъминланганлик даражаси қуйидагича (керакли-  
сини тагига чизиш керак):

«жуда паст», «паст», «ўртача», «юқори».

Оила (фуқаро)нинг моддий таъминланганлик даражасини баҳолашнинг  
сабабини ҳамда оила(фуқаро)да юзага келган мураккаб ҳаётий вазиятни  
мустақил ҳал эта олиш имкони бор(ёки йўқ)лигини кўрсатиш:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

5. Комиссия тавсия қилади: оила (фуқаро) \_\_\_\_\_

(аризачининг Ф.И.О.)

бир марталик моддий ёрдамни \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ дан.  
(тайинлаш /рад этиш) (тўлов бошланган ой)

Комиссия аъзолари имзолари:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Қўшнилари имзолари (улар жалб қилинганда):

\_\_\_\_\_

Текширув ўтказилган сана:

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм  
вилоятидаги мухтож оилаларга бир марта  
бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Бир марта бериладиган моддий ёрдамни тўлаш учун  
бюджетдан ажратилган маблағларни ўтказиш бўйича  
\_\_\_\_\_сон БУЮРТМАНОМА**

20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Бўлинманинг номи \_\_\_\_\_  
Бўлим ва кичик бўлим \_\_\_\_\_  
Бошлиқ \_\_\_\_\_  
Ҳазначилик шахсий ҳисоб-рақами \_\_\_\_\_

| Олувчининг номи | Ҳазначилик<br>ҳисоб<br>рақами | Мақсадли<br>маблағларнинг<br>номланиши | Мақсадли<br>маблағнинг<br>ажратилиши<br>учун асос | Миқдори<br>(сўм) |
|-----------------|-------------------------------|--|---|------------------|
|                 |                               |  |   |                  |

Бўлинма бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

Бўлим бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да соат «\_\_» дан «\_\_» дақиқа ўтганда ҳазначилик  
бўлимининг масъул ходими қабул қилиб олди.

\_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ ойи учун

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) \_\_\_\_\_ раиснинг Ф.И.О. \_\_\_\_\_  
(фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номи) (туман (шаҳар) номи)

| Т/р  | Кўрсаткичларнинг номи  | Ўлчов<br>бирлиги | Ҳисобот<br>ойи учун | Йил<br>бошидан |
|------|--|------------------|---------------------|----------------|
| 1.   | Молия органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилган пул маблағлари миқдори | сўм              |                     |                |
| 2.   | Ведомост бўйича тайинланган бир марта бериладиган моддий ёрдам миқдори   | сўм              |                     |                |
| 3.   | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ушбу органи ҳудудида яшовчи оила (фуқаро)лар сони   | та               |                     | х              |
| 4.   | Кўриб чиқилган аризалар рўйхати  | та               |                     |                |
| 4.1. | шундан: бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш бўйича рад этилган аризалар сони   | та               |                     |                |
| 5.   | Бир марта бериладиган моддий ёрдам тайинланган аризалар сони   | та               |                     |                |
| 6.   | Ведомост бўйича бир марта бериладиган моддий ёрдам олаётган оила(фуқаро)лар сони   | та               |                     | х              |
|      | шу жумладан:   |                  |                     |                |
| 6.1. | огир касаллик сабабли;   | та               |                     | х              |
| 6.2. | яқинларининг ўлими сабабли;  | та               |                     | х              |
| 6.3. | табiiй офат (фавқулодда вазият)лар оқибатида жабр чекканлар;   | та               |                     | х              |
| 6.4. | бошқа ҳолатлар оқибатида.  | та               |                     | х              |

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси

Туман(шаҳар) ҳокимлиги молия бўлимининг ходими

М.Ў.